
Маҳалладаги сайёр қабулда фуқаролар муаммолариға ечим изланди
Жойларда ахоли билан очик мuloқотни таъминлаш, уларни қийнаб келаётган
муаммоларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш мақсадида туман ҳокими
Шерзоджон Юлдашев иштирокидаги навбатдаги сайёр қабул бугун
"Пасткикүрик" маҳалласида бўлиб ўтди.

Қабулга ҳоким ўринbosарлари, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари ҳам жалб
этилди.

Қабул давомида маҳалла аҳли ва тумандошларимиз томонидан билдирилган уй-
жой масаласи, моддий ёрдам, ижтимоий нафақалар тайинлаш, коммунал
масалалар, маҳалла инфратузилмасини яхшилаш, кадастр, бандликни
таъминлаш, тадбиркорликни ривожлантириш ва банк кредитлари каби
масалаларга оид йигирмага яқин мурожаатлари ўрганилди.

Мuloқотлар давомида баъзи мурожаатларга жойида ижобий ечим топилган
бўлса, ҳал этилиши муддат талаб этадиган масалалар бўйича масъуллар
бириктирилган ҳолда тегишли чоралар белгиланди.

Низоли масалалар юзасидан соҳа мутасаддилари томонидан фуқароларга
хуқуқий маслаҳатлар ҳам берилди.

2024-09-06 19:03:56